

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ
ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН ДОКТОРИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ 14.07.2016.Ҳу.26.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ**

МИРАЗОВ ДАВРОН МИРАГЗАМОВИЧ

**ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВ ИДОРАЛАРИ ФАОЛИЯТИ УСТИДАН
КОНТРОЛЬ ВА НАЗОРАТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ
НАЗАРИЙ, ТАШКИЛИЙ ВА ПРОЦЕССУАЛ ЖИҲАТЛАРИ**

**12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув
ҳуқуқ ва суд экспертизаси
(юридик фанлар)**

ДОКТОРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2016 йил

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата докторской диссертации
Content of the abstract of doctoral dissertation

Миразов Даврон Мирагзамович

Дастлабки тергов идоралари фаолияти устидан контроль ва назоратни
такомиллаштиришнинг назарий, ташкилий ва процессуал жиҳатлари.... 3

Миразов Даврон Мирагзамович

Теоретические, организационные и процессуальные аспекты
совершенствования контроля и надзора за деятельностью органов
предварительного следствия..... 37

Mirazov Davron Miragzamovich

Theoretical, organizational and procedural features of perfection control and
supervision over activity of preliminary investigation bodies..... 71

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publihed works..... 100

2

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ТОШКЕНТ
ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН ДОКТОРИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ 14.07.2016.Ҳ.26.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
АКАДЕМИЯСИ**

МИРАЗОВ ДАВРОН МИРАГЗАМОВИЧ

**ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВ ИДОРАЛАРИ ФАОЛИЯТИ УСТИДАН
КОНТРОЛЬ ВА НАЗОРАТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ**

НАЗАРИЙ, ТАШКИЛИЙ ВА ПРОЦЕССУАЛ ЖИҲАТЛАРИ

**12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув
ҳуқуқ ва суд экспертизаси
(юридик фанлар)**

ДОКТОРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2016 йил

3

Докторлик диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида 30.09.2014/В2014.3-4.Ҳу16 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида бажарилган.

Докторлик диссертациясининг тўлиқ матни Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги фан доктори илмий даражасини берувчи 14.07.2016.Ҳу.26.01 рақамли илмий кенгаш веб-саҳифасида www.tsul.uz/uz-ilmiy-kengash манзилида жойлаштирилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tsul.uz/uz-ilmiy-kengash) ва «Ziyonet» таълим ахборот тармоғида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: Пўлатов Бахтиёр Халилович

юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Пулатов Юрий Сайфиевич

юридик фанлар доктори, профессор

Рахимов Йўлдош

юридик фанлар доктори, профессор

Неъматов Жасур Аминжанович

юридик фанлар доктори

Етакчи ташкилот: Бердақ номидаги Қорақалпоқ Давлат Университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги фан доктори илмий даражасини берувчи 14.07.2016.Ҳ.26.01 рақамли илмий кенгашнинг 2016 йил « ____ » _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент ш., Сайилгоҳ кўчаси, 35. Тел.: (99871) 233-66-36; факс: (99871) 233-37-48; e-mail: www.tsul.uz/uz)

Докторлик диссертацияси билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент ш., А. Темур кўчаси, 13. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2016 йил « ____ » _____ куни тарқатилди.

(2016 йил « ____ » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

З.Н.Эсанова

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, доцент

Н.С.Салаев

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш котиби, юридик фанлар номзоди

Г.З. Тўлаганова

Фан доктори илмий даражасини берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, доцент

4

КИРИШ (Докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда шахс ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлашнинг самарали механизмини шакллантиришга ва ҳуқуқий тартибга солишга алоҳида эътибор берилади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга оид халқаро стандартлар Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг нормаларида белгиланган ҳамда уларга асосан жиноят ишлари бўйича иш юритувида инсоннинг шахсий, уй-жой ва ёзишмалар дахлсизлигига қатъий риоя этилиши кафолатланади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда кенг қамровли суд-ҳуқуқ ислохотлари амалга оширилди, судларнинг ихтисослашуви рўёбга чиқарилди, прокуратура ваколатлари қайта кўриб чиқилди, адвокатура институти тубдан ислоҳ қилинди, ярашув институти жорий этилди, амнистия актини қўллаш тартиби ўзгартирилди, хусусий айбловнинг доираси кенгайтирилди, қамокқа олиш ва уй қамоғи эҳтиёт чоралари, лавозимдан четлаштириш ва тиббий муассасага жойлаштириш процессуал мажбурлов чораларини қўллашга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилди.

Жаҳонда жиноят ишлари бўйича судга қадар юритувни амалга

оширувчи органлар фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий асосларини, амалий қўлланилишини ва натижаларини таҳлил этиш бу соҳада ўзининг ечимини кутаётган, процессуал назария ва суд-тергов амалиёти билан боғлиқ қатор комплекс муаммолар мавжудлигини кўрсатади. Жумладан, моҳиятига кўра ягона дастлабки тергов фаолияти бир неча давлат органининг терговчиларига тақсимланган ҳолда мазкур органларнинг идоравий-норматив ҳужжатлари асосида ташкил этилиб, контроль ва назорат қилинаётганлиги, прокуратура органлари қонунларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш билан бирга дастлабки терговни ўтказиш, уни процессуал бошқариш функцияларини бажараётганлиги, суд контроли киритилиб, алоҳида тартибда амалга оширилаётганлиги мазкур институтларнинг ўзаро мутаносиблигини ва муносабатларини аниқлаштириш, дастлабки тергов устидан контроль ва назоратни амалга оширилишини тартибга солувчи миллий қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан боғлиқ муаммоларнинг илмий ечимини топиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (1994), «Судлар тўғрисида»ги қонуни (2000), «Прокуратура тўғрисида»ги қонуни (2001), Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш борасида амалдаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан прокурор назоратининг ҳолати ва уни янада кучайтириш чоралари тўғрисидаги ҳисоботи ҳақида»ги қарори (2014), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 4 октябрдаги «Туман ва шаҳар умумий юрисдикция судлари фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини

5

ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4570-сонли Фармони, 2016 йил 21 октябрдаги «Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4850-сонли Фармони, 2011 йил 14 январдаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш соҳасида амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Р-3559-сонли фармойиши ва соҳага оид бошқа қонун ҳужжатларининг ижросини муайян даражада амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожлантиришининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи¹. Жиноят ишлари бўйича судга қадар иш юритуви устидан контроль ва назорат масалалари бўйича илмий изланишлар дунёнинг етакчи илмий марказ ва

олий таълим муассасалари, жумладан National Institute of Justice, Southwest University (АҚШ), Institute Zurich (Швейцария), Heidelberg (Германия), University of Sannio (Италия), Waseda University, Okinawa International University (Япония) ва National University Australia, Griffith University (Австралия), Тошкент давлат юридик университети, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги академиясида олиб борилмоқда.

Жиноят ишлари бўйича судга қадар иш юритуви фаолияти устидан контроль ва назоратни такомиллаштириш масаласида олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида судга қадар иш юритувни соддалаштириш ва бирхиллаштириш (Southwest University, University of Illinois, Institute Zurich), дастлабки тергов идораларининг ҳуқуқий мақомини такомиллаштириш ва тергов органи раҳбарининг ваколатларини кенгайтириш (National University Australia), терговчилар фаолияти устидан идоравий-процессуал контролнинг самарадорлигини ошириш (National Institute of Justice), дастлабки тергов устидан прокурор назоратини дифференциациялаштириш ва суд контролини такомиллаштириш (University of Sannio, Waseda University, Griffith University) зарурлиги, жиноят процессида суд назорати институтини ривожлантиришга эҳтиёж мавжудлиги (Тошкент давлат юридик университети); дастлабки терговда қонунийликни таъминлаш, жиноят ишини тугатиш институтини такомиллаштиришга оид таклифлар ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси).

—¹ Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий-тадқиқотлар шарҳи www.ufl.edu, www.nij.gov, www.southwest.edu, illinois.edu, www.ethz.ch, www.heidelberg.com, www.unisannio.it, www.waseda.jp, okiu.ac.jp, www.griffith.edu.au, www.tsul.uz ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

Дунёда жиноят ишлари бўйича иш юритувини ҳуқуқий тартибга солиш ва ташкил этиш ҳамда такомиллаштиришга қаратилган қуйидаги устувор йўналишларда, хусусан, жиноят ишлари бўйича судга қадар иш юритуви устидан контроль ва назоратни норматив-ҳуқуқий тартибга солинишини ривожлантириш, унинг инсон ҳуқуқларини муҳофаза этиш ва таъминлашдаги ролини ошириш ҳамда контроль ва назоратни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жиноят процессида дастлабки тергов идоралари фаолияти устидан контроль ва назоратни амалга ошириш масалалари мамлакатимизнинг олимларидан – Ғ. Абдумажидов, Б. Т. Акрамходжаев, Л. И. Астанова, З. С. Ибрагимов, З. Ф. Иноғомжонов, Б. А. Миренский, Ф.М.Мухитдинов, Б. Х. Пулатов, Ю. С. Пулатов, А. Х. Раҳмонқулов, Й.Рахимов, Г. П. Саркисянц, Т. Т. Таджиев, Х. С. Таджиев, Г.З.Тўлаганова¹ ва бошқаларнинг илмий ишларида муайян даражада кўриб чиқилган.

Хорижий мамлакатларда дастлабки тергов фаолияти устидан суд контроли Амбасса Леон Шанталь, Е. В. Быкова ва А. П. Фоков (Франция), В.

Н. Гарашчук, В. Г. Ключков, О. М. Литвак, Д. В. Лученко (Украина), М. Б. Диаконеску (Молдова), Г. К. Карапетян (Арманистон), Г. Х. Насиров ва А. Н. Ахпанов (Қозоғистон), В. Н. Галузо, Р. А. Зинец, Н. Н. Ковтун, Н. Г. Муратова Г. С. Русман, О. В. Рябкова, А. С. Сбоев, А. В. Солодилов, И. Ю. Таричко, М. А. Устимов ва В. А. Яблоков²(Россия)ларнинг ишларида ўрганилган бўлиб, улар ушбу институтнинг назарий, ташкилий, амалий, процессуал муаммолари ва қонунийлиги ҳамда асосланганлигини таҳлил қилган бўлсалар, жиноят процессининг судга қадар иш юритуви босқичларида

прокурор функцияси, ваколатлари ва дастлабки тергов -¹ Абдумажидов Ф.А. Суд-ҳуқук ислоҳоти – тарихий зарурат // Ҳаёт ва қонун. – Т., – 2000. – №5-6. – Б.67-69; Акрамходжаев Б.Т. Правовосстановительная функция в уголовном процессе. – Т., 1997. – 112 с.; Астанова Л.А. Жиноят процесси ва шахснинг ҳуқуқий мавқеи. – Т., 1997. – 56 с.; Муҳитдинов Ф.М.

Жиноят-процессуал шакл: назария ва методологик муаммолар: Юрид. фан. докт...дисс.автореф. – Т., 2005.; Раҳимов Й. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодекси асосида сўроқ қилиш ва кўрсатувларга баҳо беришнинг процессуал-психологик муаммолари: Юрид. фан. докт...дисс. автореф. – Т., 2000.; Пулатов Б.Х. Теоретические и практические проблемы и пути совершенствования законодательного регулирования участия прокурора при рассмотрении уголовных дел в судах: Автореф.дисс...докт. юрид. наук. – Т., 2003.; Пулатов Ю.С. Милиция фаолияти ҳақида жамоатчилик фикрини тадқиқ этиш муаммолари // Ҳуқуқ-Право-Law, – 2003, – №1. – 34–36-б.; Иноғомжонов З.Ф. Жиноят процессида суд назорати ва уни амалга ошириш муаммолари: Юрид. фан. докт...дисс. автореф. – Т., 2007.; Тўлаганова Г.З. Жиноят процессида

процессуал мажбурлов ва унинг ўзига хос хусусиятлари: Юрид. фан. докт...дисс. автореф. – Т., 2009.² Амбасса Л.Ш. Предварительное следствие в уголовном процессе России и Франции. Автореф.дис...канд.юрид.наук. – М., 1999. – 23 с.; Быкова Е.В. Судебный контроль за предварительным расследованием во Франции: Автореф.дис...канд.юрид.наук. – М., 1996. – 21 с.; Диаконеску М.Б. Судебный контроль публичной администрации (на материалах Румынии и Республики Молдова): Автореф...д-ра права. – Кишинев, 2000. – 20 с.; Карапетян Г.К. Судебный конституционный контроль в Республике Армения (некоторые вопросы теории и практики): Автореф...канд. юрид. наук. – Ереван, 2003. – 27 с.; Насыров, Г.Х. Судебный контроль за применением ареста как меры пресечения. Автореф...канд. юрид.наук. – Караганда, 2003. – 25 с.; Зинец Р.А. Судебный контроль в стадии предварительного расследования: Процессуальные и организационные аспекты. Автореф.дис...канд.юрид.наук. – М., 2005. – 21 с.; Ковтун Н.Н. Судебный контроль в уголовном судопроизводстве России: Автореф.дис...докт.юрид.наук. – Н.Новгород, 2002. – 59 с.; Муратова Н.Г. Система судебного контроля в уголовном судопроизводстве: Вопросы теории, законодательного регулирования и практики. Автореф.дис...канд.юрид.наук. – М, 2004. – 21 с.; Таричко И.Ю. Функция судебного контроля в российском уголовном процессе: Автореф.дис...канд. юрид.наук. – Омск, 2004. – 23 с.

7

идораларининг фаолияти устидан прокурор назоратининг хусусиятлари С. Н. Алексеев, В. И. Басков, А. Д. Бойков, Е. Д. Болтошев, Е. Н. Бушковская, И. Б. Крилов, В. Ф. Крюков, Р. Ю. Олисов, В. М. Савицкий, А. Б. Соловьев, М. Е. Токарева, А. Г. Халиулин ва

Н. А. Якубович¹лар томонидан, дастлабки тергов идораларининг фаолияти устидан идоравий процессуал контролни амалга ошириш, дастлабки тергов идораларининг ҳуқуқий-процессуал мақомини такомиллаштириш, тергов органи раҳбарининг ваколатларини кенгайтириш, унинг терговчилар фаолияти устидан идоравий-процессуал контролни амалга ошириши масалалари В. П. Ашитко, Д. А. Влезько, Н. А. Власова, Э. И. Воронин, Л. В. Головкин, Ю. В. Деришев, Н. И. Кулагин, Л. И. Лавдаренко, П. В. Лемент, Г. Н. Меглицкий, О. В. Судакова, Г. П. Химичева, О. В. Химичева, М. М. Черняков²лар томонидан ўрганилган.

Бироқ юқорида номлари келтирилган олимларнинг ишлари асосан

идоравий-процессуал контролнинг, прокурорлик назоратининг, суд контролининг моҳияти, турлари, амалга ошириш тартибини алоҳида ёритишга бағишланган. Айни пайтда, республикамиз суд-ҳуқуқ тизимида дастлабки тергов идоралари фаолияти устидан суд контролининг киритилганлиги муносабати билан муаммонинг долзарблиги янада ортади ва у дастлабки терговга жалб қилинган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласига бевосита дахлдор бўлганлиги боис чуқур ва мустақил тадқиқот ўтказишни тақозо этади.

Мамлакатимизда дастлабки тергов идоралари фаолияти устидан контроль ва назоратни амалга оширишнинг назарий, ташкилий ва процессуал жиҳатларига оид алоҳида тадқиқот олиб борилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясининг илмий-тадқиқот

ишлари режасига киритилган ҳамда «Ўзбекистон»¹ *Болтошев Е.Д.* Функции прокурора в досудебных стадиях уголовного процесса: Автореф. дис. канд. юрид. наук. – М., 2002. – 24 с.; *Бушкова Е.Н.* Надзор прокурора за процессуальной деятельностью следователя и дознавателя в досудебном производстве. Автореф. дис. канд. юрид. наук. – М., 2011. – 22 с.; *Крылова И.Б.* Прокурорский надзор за соблюдением прав и свобод человека и гражданина при производстве предварительного расследования Автореф. дис. канд. юрид. наук. – М., 2002. – 24 с.; *Крюков В.Ф.* Правовой статус прокурора в уголовном преследовании (досудебное и судебное производство). Автореф. дис. докт. юрид. наук. – М., 2012. – 49 с.; *Олисов Р.Ю.* Соотношение процессуальной самостоятельности следователя и прокурорского надзора в отечественном досудебном производстве Автореф. дис... канд. юрид. наук. – М., 2006. – 21 с.

² *Ашитко В.П.* Функция контроля начальника следственного управления в уголовном судопроизводстве: Автореф. дис. канд. юрид. наук. – М., 1996. – 28 с.; *Влезько Д.А.* Проблемы организационных функций начальника следственного отделения (отдела) в расследовании: Автореф. дис. канд. юрид. наук. – Краснодар, 2002. – 23 с.; *Власова Н.А.* Проблемы совершенствования форм досудебного производства в уголовном процессе: Автореф. дис... докт. юрид. наук. – М., 2001. – 52 с.; *Деряшев Ю.В.* Оптимизация досудебного производства в уголовном процессе России: Автореф. дис... канд. юрид. наук. – Омск, 1998. – 27 с.; *Лемента П.В.* Ведомственный процессуальный контроль за предварительным следствием в органах внутренних дел: Автореф. дис... канд. юрид. наук. – Волгоград, 1999. – 26 с.; *Судакова О.В.* Процессуальный контроль в судебных стадиях уголовного процесса. Автореф. дис... канд. юрид. наук. – Саратов, 2007. – 19 с.; *Химичева Г.П.* Досудебное производство по уголовным делам: концепция совершенствования уголовно процессуальной деятельности: Автореф. дис... докт. юрид. наук. – М., 2003. – 45 с.; *Химичева О.В.* Концептуальные основы процессуального контроля и надзора на досудебных стадиях уголовного судопроизводства. Автореф. дис... докт. юрид. наук. – М., 2004. – 47 с.; *Черняков М.М.* Вопросы теории и практики процессуального контроля в досудебном производстве. Автореф. дис. канд. юрид. наук. – М., 2003. – 23 с.

8

Республикасида жиноят-процессуал қонунчиликни либераллаштириш ва жиноят-процессуал қонунчиликдаги ўзгаришларни амалиётга жорий этиш масалалари» илмий тадқиқоти доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади дастлабки тергов идораларининг фаолияти устидан контроль ва назоратни назарий, ташкилий ва процессуал жиҳатларини такомиллаштиришга қаратилган илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

контроль ва назоратнинг назарий-ҳуқуқий жиҳатларини таҳлил қилиш, унинг моҳияти, ўзаро муносабати ва нисбатини аниқлаш ҳамда уларни тизимлаштириш ва таснифлаш;

дастлабки тергов идоралари фаолияти устидан контроль ва назоратнинг ташкилий жиҳатларини аниқлаштириш;

дастлабки тергов идораларининг терговга қадар текширув, исботлашни амалга ошириш, шахсни ишда гумон қилинувчи ва айбланувчи тариқасида жалб қилиш, дастлабки терговни тамомлаш фаолияти устидан контроль ва назоратнинг процессуал жиҳатларини тадқиқ этиш;

ривожланган демократик давлатларда дастлабки тергов идоралари фаолияти устидан контроль ва назорат хусусиятларини аниқлаш; дастлабки тергов идоралари фаолияти устидан идоравий-процессуал контроль, прокурор назорати ва суд контролини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини дастлабки тергов идоралари фаолияти устидан контроль ва назоратни амалга ошириш жараёни ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети дастлабки тергов идоралари фаолияти устидан идоравий-процессуал контроль, прокурор назорати ва суд контролини ҳуқуқий тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар ва уларни амалга оширилишида юзага келадиган процессуал муносабатлар ҳисобланади. **Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот давомида тизимли-тузилмавий, формал-мантиқий, статистик, аниқ-социологик, илмий манбаларни комплекс ўрганиш, идоравий-норматив ҳужжатлар, статистик ҳисоботларни ўрганиш ва қиёсий таҳлил қилиш, социологик сўровлар ўтказиш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат: жиноят-процессуал ҳуқуқи назариясидаги функциялар (одил судлов, айблов, ҳимоя, жиноятларнинг олдини олиш, тергов қилиш, қонунийликни таъминлаш, ҳуқуқни тиклаш) орасида процессуал контроль функцияси мавжудлиги алоҳида ажратилиб асосланган;

жиноят ишлари бўйича айбланувчини, судланувчини лавозимидан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш процессуал мажбурлов чораларини қўллашда суд контролини амалга ошириш тартиби асосланган;

жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан тезкор-қидирув тадбирларини ўтказилиши ва тезкор-қидирув

9

фаолияти натижаларидан фойдаланилишда идоравий-процессуал контроль ва прокурор назоратини амалга ошириш тартиби ишлаб чиқилган; дастлабки тергов органлари фаолияти устидан контроль ва назоратни ислоҳ қилишга эҳтиёж мавжудлиги асосланган;

ЖПКнинг дастлабки тергов органлари фаолияти устидан контроль ва назоратни амалга оширишни тартибга солувчи нормаларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган;

«Прокуратура тўғрисида»ги қонунга дастлабки тергов органлари фаолияти устидан назоратнинг предметини аниқлаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган.

ички ишлар органларининг тергов аппаратлари фаолиятини тартибга

солувчи идоравий-норматив ҳужжатларини такомиллаштириш асосланган. **Тадқиқотнинг амалий натижаси.** ЖПК ва «Прокуратура тўғрисида»ги қонун нормаларини такомиллаштириш юзасидан берилган таклифларнинг рўёбга чиқарилиши билан дастлабки тергов органлари фаолияти устидан идоравий-процессуал контролни ривожлантиришга, прокурор назоратини такомиллаштиришга ва суд контроли самарадорлигини оширилишига эришилган.

Дастлабки тергов органлари фаолияти устидан контроль ва назоратни такомиллаштириш юзасидан берилган таклиф ва тавсияларнинг амалга оширилиши дастлабки тергов босқичида жиноят процессига жалб қилинган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш даражасини ошириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари халқаро ҳуқуқ ва миллий қонунчилик нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, жиноят-процессуал ҳуқуқ назариясининг умумэътироф этилган қоидалари ва бошқа ишончли манбалар, илмий далиллар асосида исботланган. Мутахассис (судья, прокурор, тергов бўлинмаси раҳбари, терговчи)ларнинг дастлабки тергов идоралари фаолияти устидан контроль ва назоратни амалга оширишнинг хусусиятларига оид мулоҳазалари ва фикрларини ўрганиш учун анкета сўровлари ўтказилган, жиноят ишлари ва статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланган ва амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан келгуси илмий фаолиятда, қонун ижодкорлигида, ҳуқуқни қўллаш амалиётида, жиноят-процессуал қонунчиликнинг тегишли нормаларини шарҳлашда, миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда жиноят-процессуал ҳуқуқ, дастлабки тергов ва криминалистика фанларини илмий-назарий жиҳатдан бойитишга хизмат қилади. Тадқиқот

10

натижаларидан янги илмий тадқиқотлар олиб боришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган амалий таклиф ва тавсияларнинг аҳамияти қонун ижодкорлиги, дастлабки тергов органларининг фаолияти устидан идоравий-процессуал контроль, прокурорлик назорат ва суд контролининг самарадорлигини оширишда, юридик таълим муассасаларининг ўқув жараёнида фойдаланилишда намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот натижаларидан қуйидагиларда фойдаланилган:

ЖПКнинг «Айбланувчини, судланувчини лавозимидан четлаштириш»

(255–259-м.) ва «Шахсни тиббий муассасага жойлаштириш» (265–269-м.) процессуал мажбурлов чораларини қўллашни тартибга солувчи нормаларига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, 07.07.2015 й. 02/757-сон далолатномаси). Бу жиноят ишлари бўйича дастлабки терговни амалга оширишда шахснинг эркин меҳнат қилиш ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқларининг асоссиз ва ноқонуний тарзда чекланишини олдини олишга ва шахс эркинликларининг кафолатланишига хизмат қилди;

«Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг «Тезкор қидирув тадбирларини ўтказиш шартлари» (16-м.) ва «Тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан фойдаланиш» (19-м.) нормаларини шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, 16.07.2015 й. 02/1-807-сон далолатномаси). Бу жиноят ишлари бўйича тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда қонунийликни таъминлашга, жиноят ишлари бўйича далиллар мақбуллиги қоидаларига қатъий риоя этилишини таъминлашга имкон берди;

ИИБ Тергов бош бошқармаси томонидан идоравий-норматив ҳужжатларни тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси ИИБ Тергов бош бошқармаси, 13.06.2015 й. 18/6935-сон далолатномаси). Бу юқори турувчи тергов идоралари томонидан қўйи бўлинмаларнинг фаолияти устидан соҳавий ва минтакавий идоравий-процессуал контролнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади;

янги Давлат таълим стандартларини тайёрлашда инobatга олинган ва ИИБ Академиясининг ўқув режасига «Ички ишлар органларида суриштирув» фани киритилган (12.05.2015 йилдаги 38/35-139-сон далолатномаси). Бу ички ишлар органлари учун мутахассис кадрларни такомиллаштиришга ва ҳуқуқшунослик бўйича таълимни ривожлантиришга хизмат қилади;

янги Давлат таълим стандартлари асосида «Жиноят процесси» фани бўйича дарсликнинг VI, XII, XIV, XXV, XXXII боблари, «Дастлабки тергов» фани бўйича дарсликнинг V, VI, IX, X, XI, XII, XIII, XIV, XV, XVI, XVII, XVII, XIX, XX, XXI, XXIV, XXXI, XXXII, XXXIII боблари

тайёрланган ва ИИБ Академиясининг кундузги таълим, олий академик

11

курслар, малака ошириш факультети, сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курсларда дарс ўтишда фойдаланилган (12.05.2015 йилдаги 38/35-138, 38/35-140, 38/35-141, 38/35-142-сон далолатномалар). Буларнинг барчаси тингловчи ва курсантларнинг терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки тергов фаолиятини амалга оширишга оид билим, ўқув ва кўникмаларининг шаклланиши ва ривожланишига хизмат қилди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг натижалари 19та илмий-амалий анжуманда, жумладан, «Дастлабки тергов ва ишни судга қадар юритиш процесси устидан суд назорати» (Тошкент, 2005), «Миллий кадриятлар ва шахс ижтимоий ҳимоясининг ҳуқуқий механизмларини

такомиллаштириш» (Тошкент, 2007), «Адвокатлик фаолияти: назария ва амалиёт масалалари» (Тошкент, 2010) «Укрепление независимости и самостоятельности судебной власти – важнейшая составляющая обеспечения демократии и справедливости в обществе» (Тошкент, 2011), «Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган суд

ҳуқуқ ислохотлари: муаммо ва истиқболлар» (Тошкент, 2011), «Хабеас корпус» институтининг қўлланиш доирасини кенгайтириш» (Тошкент, 2011), «Актуальные проблемы уголовного процесса и криминалистики» (Волгоград, 2011), «XXI аср криминалистикаси: эришилган ютуқлар ва келажак истиқболлари» (Тошкент, 2012), «Суриштирув ва дастлабки терговни юритишда суд назоратини кучайтириш» (Тошкент, 2012), «Дастлабки терговнинг самарадорлигини баҳолаш мезонлари» (Тошкент, 2013), «Актуальные проблемы предварительного расследования»

(Волгоград, 2013), «Қонунчилик ва ҳуқуқни қўллашнинг долзарб муаммолари» (Тошкент, 2013), «Вопросы совершенствования уголовного и уголовно-процессуального законодательства: национальный и зарубежный опыт» (Тошкент, 2014), «The priorities of the world science: experiments and scientific debate» (North Charleston, USA, 2014), «Ярашилганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш институтини такомиллаштириш чоралари» (Тошкент, 2015), «Ҳуқуқий таълим ва тарбия - ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш кафолати» (Тошкент, 2016) мавзуларида халқаро ва республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференцияларда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 49 та илмий иш жумладан, 1 та монография, 16 та мақола (4 таси хорижий нашрларда) чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, 5 та боб, хулоса, 233 саҳифа матн, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, 18 та иловадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқотнинг объекти ва предмети,

тадқиқотнинг усуллари, тадқиқотининг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Биринчи боб «**Контроль ва назоратнинг назарий-ҳуқуқий таҳлили**» деб номланган бўлиб, унда муаллиф мамлакатимизда контроль ва назоратни амалга оширишнинг ҳуқуқий асослари, унинг субъектлари, хусусиятлари, ўзаро ўхшаш ва фарқли жиҳатларини ҳамда мавжуд муаммоларни назарий таҳлилдан ўтказган, шунингдек тегишли фикр ва ғояларни илгари сурган. Биринчи параграф – «*Контроль ва назорат: муаммонинг белгиланиши*»да мамлакатимизда давлат органлари фаолиятини ташкиллаштириш ва уларнинг иш натижаларини контроль

қилиш ва назоратини амалга ошириш, уларни такомиллаштириш масалаларини амалий ва назарий жиҳатларини тадқиқ этиш долзарб масала эканлиги таъкидланган.

Контроль – французча *contrôle, contrerôle* (икки нусхада юритилувчи рўйхат), лотинча *contra* (қарши) ва *rotulus* (ўроғлиқ қоғоз) сўзларидан олинган бўлиб, доимий кузатув ва текширув маъноларини беради¹.

Диссертантнинг фикрича, ҳуқуқ назарияси, давлат бошқаруви ҳамда илм-фанда «контроль» ва «назорат» тушунчаларининг ўзаро фарқи ва ўхшашликлари тўғрисидаги муаммолар ўзининг мантикий ечимини топмаган ва ҳал этилмаган. У томонидан ўтказилган таҳлилларнинг натижалари «контроль» ва «назорат» баъзан айнан битта тушунча, фаолият сифатида, айрим ҳолларда эса турли тушунчалар сифатида тан олинishi ва ишлатилишини кўрсатган. Шу билан бирга ушбу тушунчалар негизида ётган институтлар моҳиятига эътибор қаратилса, улар амалга оширувчи субъектлари, йўналиши, қўлланиш объектларига кўра бир-биридан фарқ қилиши кўринади.

Масаланинг эътиборга молик хусусиятлари шундан иборатки, юқорида келтирилган «контроль» ва «назорат» атамаларини бир хилда тушунмаслик ва уларни ишлатишда хатоликларга йўл қўйиш жиноят ишлари бўйича иш юритувини амалга оширишда ҳам кузатилади. Жумладан, бугунги кунда мамлакатимизда дастлабки тергов фаолиятини –¹ Ўзбек тилининг изоҳли луғати /А. Мадвалиев таҳрири остида. Т.2. – Т., 2009. – Б. 403.

13

амалга ошириш ваколати учта ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган – прокуратура, миллий хавфсизлик хизмати ва ички ишлар органларининг терговчиларига берилган. Бунда ЖПКнинг 345-моддаси 1-қисмига кўра, «барча жиноят ишлари бўйича дастлабки тергов ўтказилиши мажбурий»лигидан иборат императив қоида барча органларда дастлабки терговни ўтказиш ЖПК асосида амалга оширилишини аниқ белгилайди. Лекин уларда дастлабки терговни амалга ошириш тартиби айнан учта ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган тизими ва иш фаолиятининг ўзига хос

вазифаларини акс эттирувчи идоравий-норматив ҳужжатлар билан тартибга солинади. Бу эса, ўз навбатида, ички мазмуни бўйича ягона бўлган ва процессуал тавсифга эга тергов фаолиятининг уч давлат органида амалга оширилиши ўз-ўзидан жинойт ишларини тергов қилиш фаолиятининг ҳар бир органнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тегишли равишда контроль қилинишига олиб келган.

Бундан ташқари, жинойт ишларининг тергов қилинишида қонунларнинг бир хилда ва аниқ бажарилиши устидан назорат ЖПКнинг 382-моддасига асосан, прокурор томонидан ва процессуал тартиб таомиллар доирасида бир хил, холис ва ишчан тарзда амалга оширмоқда. Бироқ туман миқёсида дастлабки терговни назорат қилувчи прокурор бир вақтнинг ўзида прокуратура терговчиси учун бевосита раҳбарликни ҳам амалга ошириши барчага аён. Шу билан бирга прокурор ўз бўйсунувидаги прокуратура терговчиси томонидан тергов қилинаётган жинойт иши бўйича ҳам контролни ҳам назоратни амалга оширади, шунингдек бошқа тергов органи терговчиси фаолияти устидан назоратни олиб боради. Бунда унинг назорат функцияси жинойт иши бўйича терговни ташкиллаштириш ва текшириш, контроль қилиш функциялари билан аралашиб кетганлиги кўринади ва шу муаммоли масалаларнинг ечимини топишга, дастлабки тергов фаолияти устидан контроль ва назорат институтларининг моҳияти, мазмуни, ўзаро мутаносиблиги ва нисбати юзасидан фикр юритишга ундайди, уларни чуқур таҳлилдан ўтказишга асосланган комплекс тадқиқотни амалга ошириш зарурияти мавжудлигини тасдиқлайди.

Иккинчи параграфда *контролнинг моҳияти, тизими ва таснифланиши, унда процессуал контролнинг ўрнини аниқлашга қаратилган изланишлар олиб борилган*. Демократик ҳуқуқий давлатда контроль ваколатлари давлат ҳокимиятининг барча тармоқларига хосдир. Бу, энг аввало, ҳокимият ваколатлари бўлиниши принципи – ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати механизми билан белгиланади. Контролнинг ҳар бир тури ўзига хос хусусиятларга эга бўлса-да, уларнинг барчаси бошқарувнинг қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган мақсадларга эришишига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшади. Муаллиф фикрича, контролнинг асосий хусусияти уни амалга оширувчи орган (мансабдор шахс) ўз контроли остидаги органнинг фаолияти учун масъул ҳисобланиши, контролни амалга ошираётган юқори орган қуйи орган томонидан белгиланган тартиб-таомиллар бузилиши ҳолатларини аниқлаган тақдирда, мансабдор шахсларга нисбатан интизомий таъсир

чораларини қўллаш ҳамда улар томонидан чиқарилган ҳуқуқий ҳужжатларни бекор қилиш ваколатига эгалигидадир. Диссертант контроль бошқарувнинг вертикал тартиби ва тизими доирасида қўлланилади ва юқори турувчи органлар ўз бўйсунувидаги қуйи органларнинг фаолиятини кузатиши, белгиланган вазифаларнинг бажарилиши ва ҳолатини ўрганиши ҳамда баҳо бериши, камчиликларни таҳлил қилиши, уларни бартараф этиш

чораларини кўришида намоён бўлади, деб хулоса қилади. Параграфда амалга оширилган илмий мушоҳадаларга асосланган ҳолда, диссертант «контроль» тушунчасининг муаллифлик таърифини ишлаб чиққан.

Диссертацияда жиноят процесси назариясида мавжуд бўлган функциялар (одил судлов, айблов, ҳимоя, жиноятларнинг олдини олиш, тергов қилиш, қонунийликни таъминлаш, ҳуқуқни тиклаш) орасида процессуал контроль функцияси ажратиб кўрсатилган ва асослантирилган. Муаллиф фикрича, жиноят ишини юритишга масъул давлат органлари тизимининг тегишли (худудий ёки соҳавий) йўналишлари субъектлари томонидан жиноят процессининг барча босқичларида ЖПКда белгиланган ваколатлар доирасида идоравий процессуал контроль, прокурор назорати, суд контроли ва жамоатчилик контроли шаклида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ва тегишли қарорларни қабул қилиш, суриштирув, дастлабки терговни амалга ошириш, судда кўриб чиқиш ва ҳал этишда жиноят-процессуал қонунчиликда белгиланган тартиб-таомилларга риоя этилишини ташкиллаштириш, кузатиш, текшириш, назорат қилиш, зарур ҳолларда, таъсир ўтказиш, бекор қилиш, чора кўришдан иборат усулларнинг мажмуи – жиноят процессида процессуал контроль функциясини ташкил этади. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда процессуал контроль функциясининг тушунчаси шакллантирилган.

Учинчи параграфда *назоратнинг моҳияти ва турлари, улар орасида прокурор назоратининг ўрни* ўрганилган. Муаллиф фикрича, назорат бошқарувнинг контроль функциясини амалга ошириш механизмининг бир қисмидир. Назорат бир-бирига бўйсунитишга риоя қилиш муносабатлари мавжуд бўлмаган назорат органлари ва назорат қилинувчилар ўртасида вужудга келувчи ижтимоий муносабатлар бўлиб, назорат қилинаётган объектнинг фаолияти фақат белгиланган қоидаларга, масалан, қонунийликка риоя этиш нуқтаи назаридан баҳоланади. Назоратнинг хусусиятларига – фақат махсус ваколатли давлат органлари томонидан амалга оширилиши; уни амалга оширувчи орган (мансабдор шахс)ларнинг фаолият йўналиши ва соҳалари махсус норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан белгилаб берилиши; махсус давлат органи фақат ўзига белгиланган йўналиш ёки соҳа доирасидагина норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижросини назорат қилиши; назорат мунтазам равишда амалга оширилиши; назорат шахс, жамият ва давлат манфаатларини таъминлаш мақсадида амалга оширилишини киритиш мумкин.

Назоратни амалга ошириш жараёнида назорат қилинувчи органнинг иш фаолиятига аралашишга йўл қўйилмайди ва қонунбузарлик ҳолати

аниқланганда, унинг оқибатларидан келиб чиқиб, иш кўзғатиш, огоҳлантириш бериш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилиш ёки судга даъво аризаси киритиш каби таъсир чоралари қўлланилади. Назорат органларининг мансабдор шахслари қонунбузарлик ҳолатига йўл

қўйган шахсларга нисбатан бевосита интизомий таъсир чораларини қўллай олмайди. Муаллиф назоратни уни амалга ошириш соҳаси, йўналиши ва субъектларидан келиб чиққан ҳолда, қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат (прокуратура), маъмурий назорат (ИИО), санитария-эпидемиология назорати (соғлиқни сақлаш органлари), божхона назорати (божхона органлари), ветеринария назорати (давлат ветеринария назорати органлари), ёнғин назорати (давлат ёнғин хавфсизлиги органлари) ва бошқа турларга таснифлайди. Шу билан бирга, унинг фикрича, назоратни таснифлашда уни амалга оширувчи органларнинг фаолият хусусиятлари, йўналишлари ва соҳасини ҳисобга олиш зарур.

Муаллиф диссертация мавзусига доир бўлган прокурор назоратини алоҳида ажратиш ва унинг назарий жиҳатларини таҳлилдан ўтказиш мушкул ва оғир масала, деб мушоҳада қилади. Зеро, прокурор назорати Конституция даражасида белгиланган, давлат механизмининг ташкилий қисми бўлган, бутун мамлакат ҳудудида барча давлат ва нодавлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар томонидан қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилишини таъминлашга қаратилган фаолиятдир. «Прокуратура тўғрисида»ги (янги таҳрирдаги) қонунга асосан, прокурор назоратининг бешта соҳаси мавжуд. Бунда ҳар бир соҳавий назоратни амалга ошириш ваколатлари қонунда аниқ белгиланганлиги билан бир қаторда, прокуратура органлари тизимида ҳам ўзининг аксини топган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 24 июлдаги «Қонунчилик ижросини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2016 йил 8 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонлари ва қарорларига ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритиш тўғрисида» Фармонларига асосан мамлакатимизда прокурор назоратини янада такомиллаштириш чора тадбирлари белгилаб берилди ва Бош прокуратуранинг тузилиши ва тизими, прокурор-тергов ходимларининг штат бирликлари тасдиқланган¹.

Прокурор назорати ўз моҳиятига кўра, ҳар қандай қонунбузарликка нисбатан қонунда белгиланган шаклда таъсир кўрсатиш институти бўлиб, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида ташкил этилган ва қонунда белгиланган тартибда ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар устидан олиб борилади.

«Дастлабки тергов идораларининг фаолияти устидан контроль ва назоратнинг ташкилий жиҳатлари» деб номланган иккинчи бобнинг биринчи параграфи *дастлабки тергов идораларининг фаолияти устидан*

идоравий-процессуал контролнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари таҳлилига ⁻¹
Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, – 2014. – 32-сон, – 395-м.; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, – 2016. – 32-сон, – 387-м.

бағишланган. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида тергов идоралари ўзига хос ўрин эгаллайди. Зеро, дастлабки тергов фаолияти жинойтларни очиш, уларни содир этган шахсларни фош этиш,

жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлашга қаратилган чора тадбирларни кўриш, жиноятларнинг олдини олишга қаратилган. ЖПКнинг 344-моддасига асосан, дастлабки тергов прокуратура, ички ишлар органлари ва миллий хавфсизлик хизмати терговчилари томонидан олиб борилади. Шу билан бирга, Бош прокуратура, МХХ ва ИИВнинг тергов органлари тизими, уларнинг штатлар жадвали, дастлабки терговни ташкил этиш ва контроль қилиш масалалари ҳар бир органнинг ички идоравий ва фақат шу органнинг тергов тизимига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Шундан келиб чиққан ҳолда, муаллиф фикрича, юқорида келтирилган ҳолатлар дастлабки тергов фаолиятига нисбатан «контроль» эмас, балки «идоравий-процессуал контроль» атамаси қўлланилишига сабаб бўлади.

Муаллиф дастлабки тергов идорасининг қайси давлат органига бўйсундирилганидан қатъи назар, ваколатлари, вазифалари ва дастлабки терговни амалга ошириш тартиби барча тергов идоралари учун ягона бўлиб, ЖПК билан белгиланади, шу сабабали барча тергов органларида дастлабки тергов ЖПК нормалари доирасида амалга оширилиши шарт, деган хулосага келади. Диссертант идоравий-процессуал контролнинг учта даражасини ажратиб кўрсатган: а) республика даражасидаги юқори тергов органи раҳбарларининг қуйи тергов идоралари фаолиятини контроль қилиши; б) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар миқёсидаги тергов органлари раҳбарларининг қуйи (туман, шаҳар) тергов бўлинмалари фаолиятини контроль қилиши; в) туман, шаҳар миқёсидаги тергов бўлинмалари бошлиқларининг қўл остидаги терговчиларнинг жиноят ишларини тергов қилиш фаолиятини контроль қилиши.

Туман (шаҳар) тергов бўлинмалари бошлиқлари томонидан амалга ошириладиган идоравий-процессуал контроль ЖПКнинг 37-моддаси билан тартибга солинган процессуал фаолиятда намоён бўлади. Зеро, тергов бўлинмаларининг раҳбарлари маъмурий-ташкилий функциялардан ташқари, амалда процессуал функцияларни ҳам бажаради, чунки хизмат бўйича унга бўйсунувчи терговчиларнинг иши процессуал фаолиятдан иборат. Диссертантнинг фикрича, тергов бўлинмаси раҳбари жиноят процессуал муносабатларга киришиш ва уларни бошқариш бўйича амалга оширадиган идоравий-процессуал контролнинг ташкилий вазифаларига тергов фаолиятини тартибга солувчи қонунлар ва қонуности ҳужжатларига амал қилинишини ташкиллаштириш, кузатиш ва таъминлаш; дастлабки тергов давомида шахс ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол қилинмаслиги ва тўла таъминланишига эришиш; жиноят ишларини тергов қилишнинг умумий сифат даражасини кўтариш; ишда камчиликларга йўл қўймаслик, уларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш; илғор тажрибани аниқлаш ва кенг жорий этиш; ходимлар интизоми ва масъулиятини ошириш; кадрлар имкониятини аниқ баҳолаш ва улардан тўғри фойдаланиш ҳамда

кадрларни жой-жойига қўйишни киритиш мумкин. Тергов органи раҳбари томонидан амалга ошириладиган идоравий-процессуал контроль

терговчининг фаолияти билан бевосита танишиш; ишнинг ҳолатини кўрсатувчи ҳужжатларни ўрганиш; йўл-йўриқ кўрсатиш; иш режаларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш; тергов ва бошқа процессуал ҳаракатлар ўтказилишини бевосита кузатиб бориш; терговчининг ҳисоботларини тинглаш; иш бўйича тегишли кўрсатмалар бериш шаклларида амалга оширилади.

Дастлабки тергов фаолиятининг самарадорлиги уни амалга ошириш устидан идоравий-процессуал контролнинг энг мақбул шакли қўлланилиши билан бевосита боғлиқ. Шу билан бирга, тергов органи раҳбари идоравий-процессуал контроль фаолиятини ташкил қилиш ва амалга оширишда қўйиладиган муайян (умумийлик, чуқур ва ҳар томонламалик, холислик, ошкоралик ва мунтазамлилик) талабларга риоя этган тақдирдагина контролдан кўзланган мақсадларга эришиш ва вазифаларни муваффақиятли ҳал қилиш мумкин. Бундан ташқари, тергов бўлинмаларининг фаолиятида идоравий-процессуал контроль – жорий (кундалик); ҳисобот давридаги; узоқ муддатга мўлжалланган; фавқулоддаги ва комплекс контроль турларга таснифланган.

Иккинчи параграфда *дастлабки тергов идораларининг фаолияти устидан прокурор назоратининг таъкидий-ҳуқуқий асослари таҳлили* амалга оширилган. Конституциянинг 118-моддасига мувофиқ, мамлакатимиз ҳудудида қонунлар ижроси устидан назорат Бош прокурор ва унга бўйсунувчи прокурорларга юклатилган. Ислом Каримов таъкидлаганидек, «... жамиятни демократлаштиришнинг ҳозирги босқичида, яъни мамлакатда бозор муносабатларини тартибга солишнинг муҳим ҳуқуқий асослари, фуқароларни ва ҳўжалик субъектларини суд ҳуқуқий жихатдан ҳимоя қилиш институти барпо этилаётган пайтда прокурорлик назорати тизимига ҳам ўзгартиришлар киритиш вақти келди»¹. «Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддаси 1-қисмида келтирилган, прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари қаторида прокуратура фаолиятининг жами тўққизта йўналишидан олтитаси назоратни амалга ошириш билан боғлиқ. Қолган учтаси бошқа фаолият соҳаларини қамраб олади: 1) дастлабки терговни юритиш; 2) жиноят ишлари бўйича судларда давлат айбловини қўллаб-қувватлаш, судларда маъмурий, фуқаролик ишлари ва ҳўжалик низолари кўриб чиқилишида иштирок этиш, протест келтириш; 3) қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишида иштирок этиш.

Юқорида келтирилган норматив-ҳуқуқий актларнинг таҳлили ва юридик адабиётларда билдирилган мулоҳазалар ҳанузга қадар прокуратура фаолиятининг асосий йўналишлари хусусида ягона тўхтамга келинмаганлигини кўрсатади. Конституциянинг 118-моддасида

¹ Каримов И. А. Тинчлик ва ҳавфсизлик учун курашмоқ керак. Т.10. – Т., 2002. – Б. 46.

йўналиши – назорат. Лекин бугунги кунда прокуратура органлари томонидан амалга оширилаётган суриштирув ва дастлабки тергов юритиш, тезкор-қидирув фаолият, суриштирув ва дастлабки тергов амалга оширадиган органларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштиришни амалга ошириши юқорида келтирилган конституциявий қоидада белгиланган ҳуқуқий чегарадан анча четга чиқиб кетганлиги ҳақида хулосага келишга имкон беради. Бундан ташқари, битта давлат органи томонидан битта функция амалга оширилиши зарурлиги тўғрисида махсус адабиётларда ҳам жуда кўп фикрлар билдирилган. Иккинчидан, бошқарув назарияси ва мантиқий мувофиқлик нуқтаи назаридан битта органда ҳам муайян фаолият тури амалга оширилиши, ҳам айнан шу фаолият турини амалга оширадиган бошқа органлар фаолиятининг назорат қилиниши нотўғри. Учинчидан, «Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг 8-моддасига асосан, прокурорлар томонидан амалга оширилаётган тезкор-қидирув фаолият, суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширадиган органларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш вазифаси ҳам Асосий қонунда белгиланган назорат функциясига умуман тўғри келмайди.

Муаллиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида келтирилган фармонларига асосан, Бош прокуратуранинг тузилишига ҳам бир қатор ўзгартишлар киритилиб, илгари мавжуд бўлган «Ички ишлар вазирлиги органларида қонунлар ижроси устидан назорат бошқармаси» янгитдан «Ички ишлар вазирлиги органлари суриштирув, тергов ва тезкор қидирув фаолияти устидан назорат бошқармаси» сифатида қайта ташкил этилганлигини ва мазкур бошқарма фаолиятининг асосий йўналишлари янада аниқлаштирилиб, ички ишлар идораларининг прокурор назорати соҳалари орасида жиноят ишларини тергов қилиш фаолияти алоҳида кўрсатилганлигини эътироф этади ва ушбу бошқарув қарори дастлабки тергов идоралари фаолияти устидан прокурор назорати предметининг янада аниқлаштирилишига ва мукаммлаштирилишига хизмат қилди, дейди.

Шу билан бирга, дастлабки терговни амалга ошириш фаолияти устидан прокурор назорати ташкилий жиҳатдан уч бўғинда: юқори бўғин – республика миқёсида, ўрта бўғин – Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар (ҳудудий) ва транспорт, ҳарбий, табиатни муҳофаза қилиш (соҳавий) миқёсида, ҳамда қуйи бўғин – туман (шаҳар, тармоқ) миқёсида амалга оширилиши кўрсатиб берилган. Муаллиф фикрича, дастлабки тергов идоралари томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан прокурор назоратининг асосий мақсади улар томонидан олиб борилаётган ишларнинг ЖК, ЖПК ва бошқа қонунларнинг талабаларига қай даражада мувофиқлиги, терговнинг ҳолисона олиб борилаётганлиги, ишга жалб қилинган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қай даражада таъминланаётганлиги каби масалаларнинг тўғри ҳал қилинишидан иборат. Диссертант прокурорнинг жиноят ишлари

бўйича дастлабки тергов устидан назоратини амалга ошириш шакллари сифатида прокурорнинг жиноят иши материаллари билан танишиши (уларни ўрганиши); терговчининг жиноят ишлари бўйича ахборотини эшитиши; дастлабки терговни амалга оширишда шахсан иштирок этиши; терговчиларнинг қарор ва ҳаракатлари устидан шикоят ва аризаларни кўриб чиқиши ва ҳал этишини кўрсатади ва назорат айнан шу шакллар доирасида амалга оширилиши керак, дейди.

Учинчи параграфда *дастлабки тергов идоралари фаолияти устидан суд контролининг шаклланиши ва ривожланишининг таъкилий хусусиятлари* таҳлил этилган. Дастлабки тергов идоралари фаолияти устидан суд контролининг ўрнатилиши судга қадар иш юритув давомида қонун бузилишларининг олдини олиш учун қўшимча қафолатлардан бири бўлиб хизмат қилди. Шунингдек, судга қадар иш юритув устидан суд контролини жорий қилиш ва шакллантириш билан боғлиқ тарзда бир қатор муаммолар юзага келиб, уларнинг ўз вақтида ва тўғри ҳал этилиши жиноят процессида шахс ҳуқуқларининг таъминланишига катта таъсир кўрсатади. Бу, энг аввало, судга қадар иш юритиш жараёнлари устидан суд контролининг предмети ва чегаралари, унинг қонуний тартибга солиниши, натижалари ва аҳамияти билан узвий боғлиқ. Зеро, жиноят ишлари бўйича судлар дастлабки тергов идоралари фаолияти – дастлабки тергов жараёни, ўтказилаётган тергов ва процессуал ҳаракатлар, қабул қилинаётган қарорларни назорат қилмайди, балки айнан шу ҳаракат ва қарорларнинг қонуний ва асосланган бўлиши, шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари ноқонуний ва асоссиз равишда чекланмаслигини таъминлаш мақсадида кузатиш ва текширишни амалга оширади.

Диссертант фикрига кўра, суд контроли институти суднинг одил судловни амалга ошириш функцияси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, у шахснинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари дастлабки тергов босқичида ноқонуний ва асоссиз равишда чекланмаслигини таъминлашга хизмат қилади. Бугунги кунда суд контроли дастлабки тергов идоралари серқирра фаолиятининг муайян жиҳатларини қамраб олиб, судга қадар иш юритиш босқичида гумон қилинувчининг ушлаб турилиши қонунийлигини текшириш, лозим ҳолларда, унинг муддатини узайтириш, ушлаб турилган гумон қилинувчи ва айбланувчига нисбатан қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки уни қўллашни рад этиш, унинг муддатини узайтириш, шунингдек айбланувчини лавозимидан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш процессуал мажбурлов чораларини қўллаш ҳамда ушбу масалаларни суд мажлисида кўриб чиқиб ҳал этиш каби масалаларни ўз ичига олади.

Муаллиф фикрича, судга қадар иш юритув босқичида шахс конституциявий ҳуқуқларининг чекланиши фақат суд санкцияси билан амалга ошириш тартиби жорий этилганлигининг пировард мақсади шахс эркинлиги ва шахсий дахлсизлик каби конституциявий ҳуқуқларни чеклаш масаласини ҳал этишда адолат, холислик ва бегаразликни таъминлашдан иборатдир. Айнан шу жиҳати билан суд контроли жиноят ишларини судга

қадар юритиш жараёнида амалга ошириладиган прокурор назорати ва идоравий-процессуал контролдан бир канча асосларга кўра устундир.

«Дастлабки тергов идоралари фаолияти устидан контроль ва назоратнинг процессуал жиҳатлари» деб номланган учинчи бобнинг биринчи параграфидида муаллиф *дастлабки тергов идораларининг терговга қадар текширув ўтказиш бўйича фаолияти устидан контроль ва назоратнинг процессуал тартиби ва хусусиятларини* тадқиқ этган. Терговга қадар текширув ўтказиш устидан идоравий-процессуал контроль тегишли тергов бўлинмалари раҳбарлари томонидан амалга оширилиб, улар келиб тушаётган ариза ва хабарларни терговчиларнинг иш ҳажмидан келиб чиққан ҳолда тақсимлаши, терговчилар фаолиятига оид ҳисоб ва ҳисоботларнинг юритилишини таъминлаши, терговчининг ҳаракат ва қарорлари устидан билдирилган шикоятларни кўриб чиқиши ва ҳал этишида намоён бўлади.

ЖПКда терговга қадар текширув жараёнида амалга ошириладиган идоравий-процессуал контролнинг етарли даражада тартибга солинмаганлиги оқибатида тергов амалиётида муайян масалаларни ҳал этишда идоравий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг нормалари талабларидан келиб чиқиётганлиги қайд этилган. ЖПКнинг 37-моддасига асосан, тергов бўлимининг бошлиғи жиноят ишини қўзғатиш босқичида терговчининг белгиланган муддат ва қоидаларга риоя қилишини контроль қилиши, лозим ҳолларда, жиноят иши бўйича дастлабки терговда қабул қилинган қарор ва ҳаракатларнинг қонунийлиги, асосланганлиги, адолатлилигини таъминлаш чораларини кўриши керак.

Терговга қадар текширувни амалга ошириш устидан идоравий процессуал контролни тергов бўлинмасининг бошлиғи ўз ваколати доирасида ички ишлар идорасига келиб тушган ариза ёки хабар юзасидан терговга қадар текширувни ўтказиш, жиноят ишини қўзғатиш учун сабаб ва асослар мавжудлигини текшириш учун топшириш, жиноят ҳақидаги ариза ёки хабар юзасидан тўпланган материалларни муайян терговчига топшириш, уларни бир терговчидан бошқасига ўтказиш, жиноятнинг давом эттирилиши ёки жиноят оқибатларини бартараф этиш чораларини кўриш ҳақида кўрсатмалар бериши мумкин. Ушбу кўрсатмалар жиноят процессуал хусусиятга эгаллиги сабабли, улар ёзма тарзда берилиши мақсадга мувофиқ.

Терговга қадар текширув ўтказишда қонунлар ижроси устидан прокурор назоратининг предмети ЖПКда белгиланган жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни қабул қилиш, қайд этиш, текшириш ва ҳал этишни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий қоидаларнинг аниқ ва бир хилда бажарилишини кузатиш, қонун бузилишлари аниқланган ҳолларда, терговчининг ноқонуний ва асоссиз қарорларини бекор қилиш ва жиноят ишини қўзғатиш ёки иш қўзғатишни рад этиш ҳақида қарор чиқариш фаолиятидан иборат.

Қайд этиш лозимки, дастлабки тергов идораларининг терговга қадар

қонуннинг 27-моддасига мувофиқ, жиноятчиликка қарши курашни амалга оширувчи органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат предметининг таркибий қисми бўлиб, унга жиноятлар тўғрисидаги аризалар ва хабарларни кўриб чиқиш ҳамда ҳал қилиш ва терговни олиб боришнинг қонун ҳужжатларида белгиланган процессуал тартиби, шунингдек жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг қонунийлиги ҳам киради. Ушбу ваколатлар терговга қадар текширув фаолияти устидан прокурор назоратининг икки жиҳатини ёритади. Прокурор а) содир этилган ёки тайёрланаётган жиноятлар ҳақидаги ариза ёки хабарларни қабул қилиш, кўриб чиқиш ва ҳал этиш юзасидан белгиланган қонун талаблари ижро этилишини; б) дастлабки тергов идораларининг қонунийликка тўлиқ риоя этишини назорат қилади.

Прокурор терговга қадар текширув натижалари бўйича қарорлар қабул қилиниши устидан назорат олиб боришда ҳар бир материални синчковлик билан текшириши, ўрганиши ва лозим бўлган ҳолларда, терговчининг ноқонуний ва асоссиз қарорларини бекор қилиши, яъни жиноят ишини қўзғатиш тўғрисидаги қарорни бекор қилиб иш қўзғатишни рад этиши, жиноят ишини қўзғатишни рад этиш тўғрисидаги қарорни бекор қилиб жиноят ишини қўзғатиш ваколатларини амалга оширади.

Иккинчи параграф *дастлабки тергов идораларининг жиноят иши бўйича исботлаш фаолияти устидан идоравий-процессуал контроль ва прокурор назоратининг процессуал хусусиятларини* ўрганишга бағишланган. Жиноят ишлари бўйича исботлашни амалга ошириш жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари дастлабки тергов идоралари томонидан чекланиши ва поймол қилинишининг эҳтимоли мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда, бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун ЖПКнинг 37-моддасига мувофиқ, идоравий-процессуал контроль ўрнатилган. Жиноят иши бўйича исботлаш жараёнида эксперимент, кўрсатувларни ҳодиса содир бўлган жойда текшириш, экспертиза, гувоҳлантириш, мурдани эксгумация қилиш, эксперт текшируви учун намуналар олиш каби тергов ҳаракатларини ўтказиш учун қарор чиқариш зарурлиги ЖПКнинг тегишли моддалари билан тартибга солинган. Бу эса, идоравий-процессуал контролни амалга оширишда тергов бўлими

бошлигининг терговчининг тергов ҳаракатини ўтказиш ҳақидаги ҳар бир қарори билан бевосита танишиб чиқишини, уларда келтирилган маълумотларнинг жиноят иши материаллари билан асослантирилганлигини, процессуал тартиб-қоидаларга риоя этилганлигини шахсан текшириши зарурлигини тақозо этади.

Муаллиф фикрича, ЖПКга мувофиқ, прокурорнинг рухсати талаб қилинадиган тергов ҳаракатлари (тинтув, телефон ва бошқа сўзлашув қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, мурдани эксгумация қилиш, шунингдек олиб қўйиш ва экспериментнинг

баъзи турлари)ни ўтказиш ҳақидаги терговчи қарори тергов бўлими бошлиғи томонидан қўллаб-қувватланиши тартибининг жорий этилиши

22

жиноят иши бўйича идоравий-процессуал контроль самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Дастлабки тергов идоралари томонидан жиноят иши бўйича исботлашни амалга ошириш устидан назорат предмети – дастлабки тергов идораларининг далилларни аниқлаш, қайд этиш, тўплаш, текшириш ва баҳолаш мақсадида тергов ҳаракатларини ўтказиш жараёнида қонунийликка тўла риоя этишдан иборат. Бунда терговчи томонидан тергов ҳаракатларини ўтказишда нафақат процессуал қонунчиликда белгиланган барча процессуал тартиб-қоидаларга риоя этилиши, балки уни ўтказишга жалб қилинган барча процесс иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг муҳофазаси таъминланиши ҳам тушунилиши керак. Дастлабки терговда исботлашни амалга ошириш устидан прокурор назорати тергов ҳаракатларини ўтказишга санкция бериш, иш бўйича ўтказилаётган турли тергов ва процессуал ҳаракатларда иштирок этиш ҳамда шахсан тергов ҳаракатларини ўтказиш шаклларида амалга оширилади.

Учинчи параграф *«Дастлабки тергов идоралари томонидан шахсни жиноят ишида гумон қилинувчи ва айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш устидан идоравий-процессуал контроль ва прокурорлик назоратини амалга оширишнинг хусусиятлари»* деб номланган ва унда муаллиф тергов бўлими бошлиғининг шахсни гумон қилинувчи тариқасида жалб қилиш юзасидан терговчи фаолияти устидан идоравий-процессуал контроли асосан ушлаб туриш ёки гумон қилинувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилишда ЖПКнинг 47, 48, 220, 221, 224–227, 359–361-моддаларида кўрсатилган қонун талабларининг аниқ ва тўғри бажарилишини таъминлашдан иборат, деб фикр юритган.

Дастлабки тергов идоралари томонидан шахснинг жиноят ишида гумон қилинувчи ёки айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиниши устидан идоравий-процессуал контроль ва прокурорлик назорати ўзига хос хусусиятларга эга. Уларнинг мавжудлиги, энг аввало, жиноят ишида гумон қилинувчи ёки айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинган шахсга нисбатан жиноий жавобгарлик чоралари қўлланилиши, ушбу шахсларнинг тегишли процессуал мақомга эга бўлиши, ундан келиб чиқувчи процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари пайдо бўлганлиги ҳамда уларга нисбатан давлатнинг мажбурлов чоралари, ҳуқуқий чекловлар қўлланилиши мумкинлиги билан изоҳланади. Иккинчи томондан эса, шахснинг ҳуқуқий мақоми ўзгаради ва шахс ўз эркинлиги, дахлсизлиги, уй-жойининг дахлсизлиги, телефон сўзлашувлари ва почта хат-хабарларининг сир тутилиши каби конституциявий ҳуқуқларини чекловчи чораларга дучор қилиниши мумкин. Бу эса, албатта, шахсни гумон қилинувчи ва айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилишда ва у билан муайян процессуал ҳаракатларни амалга оширишда белгиланган процессуал

тартиб-тамойилларга ва қонунийликка қатъий риоя этилишини тақозо этади. Шу сабабли ҳам бу босқичда идоравий-

23

процессуал контроль ва прокурор назорати самарали бўлиши талаб қилинади.

Идоравий-процессуал контролни амалга ошириш орқали шахсни жиноят ишида гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилишнинг асослилиги ва шахс ҳуқуқлари поймол қилинмаслиги таъминланади. Шунингдек, у терговчи томонидан ЖПКда белгиланган шахсни жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этиш учун жалб этиш асослари ва тартибига қатъий риоя этилишини таъминлашга хизмат қилади. Зеро, шахсни айбланувчи тариқасида жиноят ишида иштирок этишга жалб қилиш ҳақидаги қарор чиқарилиши уни жиноий жавобгарликка тортиш жарёни бошланганлигини англатади. Шу сабабли идоравий-процессуал контроль иш бўйича жиноий қилмишнинг мавжудлиги ва жиноятни мазкур шахс содир этганлиги ҳақидаги хулосани асослантиришга етарли далилларга таянган бўлишини ташкиллаштириш ва таъминлашга қаратилиши лозим. Бундан ташқари, далиллар қонун талабларига мос ҳолда тўпланган, текширилган ва баҳоланган, тергов давомида мазкур шахснинг айбсизлиги тўғрисидаги шубҳалар бартараф этилган бўлиши шарт, яъни шахсни жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш учун жиноят таркибининг барча элементлари аниқланган ва жиноят айнан шу шахс томонидан содир этилганлиги далиллар билан тасдиқланган бўлиши керак.

Шахсни айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш устидан идоравий-процессуал контролнинг энг асосий вазифаси бундай қарор муайян шахснинг жиноят содир этганликда айбдорлигини кўрсатувчи далиллар тўпланганидан сўнггина чиқарилишини таъминлашдан иборат. Прокурор шахсни айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиш жараёни устидан назоратни амалга оширишда ЖПКнинг 2-моддасида келтирилган «жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги» талабидан келиб чиқиши керак.

Прокурор дастлабки тергов идоралари томонидан айбдорлигини кўрсатувчи етарли далиллар тўпланмаган шахсни айбланувчи тариқасида ишга жалб этишга йўл қўймасликка асосий эътиборни қаратиши лозим. Ички ишлар идораларининг дастлабки тергов идоралари томонидан жиноят ишларини тергов қилиш амалиётини ўрганиш терговчилар шахсни айбланувчи тариқасида ишга жалб этиш ҳақида қарор чиқаришда, қарорнинг нусхасини назоратни амалга оширувчи прокурорга юбориши йўлга қўйилганлигини кўрсатди. Бу ҳолат ЖПКда кўрсатилмаган бўлса-да, дастлабки терговда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинаётган шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳамда шахсни айбланувчи тариқасида жалб қилишнинг қонунийлигини таъминлашнинг

усули сифатида қабул қилиш мақсадга мувофиқ. Чунки прокурор шахсни айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш тўғрисидаги қарорнинг нусхасини олгандан сўнг, унда терговчи айнан шу шахс, ушбу

24

жиноятни содир этганлигини тасдиқловчи далилларга ва ЖК Махсус қисмининг муайян моддасида назарда тутилган жиноятнинг аниқ таркибини ифодаловчи ҳолатларга асосланиб айблов эълон қилинганлигини назорат қилади. Шундай қилиб, прокурор гумон қилинувчи ва айбланувчи ҳуқуқларини таъминлашга жавобгар шахс сифатида дастлабки тергов идораларининг қонунийликка аниқ ва тўла риоя этишини назорат қилиш бўйича ваколатлари доирасида ЖПК ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда тўғридан-тўғри кўрсатилган назорат функцияларини амалга оширади.

Тўртинчи параграф *дастлабки терговни тамомлаш устидан идоравий-процессуал контроль ва прокурорлик назоратини амалга ошириш хусусиятларига* бағишланган. Дастлабки тергов идораларининг фаолияти устидан идоравий-процессуал контролнинг асосий йўналишларидан бири дастлабки терговни тамомлашда процессуал тартиб-тамойилларга ва қонуннинг барча талабларига тўла-тўқис риоя этилишини ташкиллаштириш, кузатиш ва таъминлаш ҳисобланади. Тергов бўлимининг бошлиғи дастлабки тергов жараёнида айбланувчининг айбини исботловчи ёки иш юритишни истисно этувчи далиллар тўпланганлиги, уларнинг тўлиқлиги, ҳар томонламалиги ва ҳолислиги, далилларни текшириш ва баҳолашга қаратилган тергов ҳаракатларининг қонун талабларига мувофиқ равишда ўтказилганлиги ва расмийлаштирилганлиги, процесс иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг таъминланганлиги, бунинг учун зарур бўлган процессуал ҳаракатлар ўтказиш орқали дастлабки тергов ҳулосалари шакллантирилганлигининг таъминланишига алоҳида эътибор қаратиши зарур.

Дастлабки терговни тамомлаш устидан прокурор назоратининг хусусиятларига терговчи томонидан процесс иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари таъминланганлигини текширишни киритиш керак. Бунда терговчи томонидан жиноят иши юзасидан дастлабки терговни тамомлаш (унинг шаклидан қатъи назар) ҳақида ҳулосага келганидан сўнг, дастлабки тергов тамомланаётганлигини процесс иштирокчиларига хабар бериш, уларнинг бу босқичдаги ҳуқуқларини тушунтириш ва ишнинг материаллари билан манфаатдор иштирокчиларни таништириш ҳаракатлари амалга оширилишини назорат қилиш керак.

«Жиноят ишлари бўйича судга қадар иш юритув устидан контроль ва назоратни амалга оширишнинг хорижий тажрибаси» деб номланган тўртинчи бобнинг биринчи параграфи *инглиз-саксон ҳуқуқ оиласи давлатлари (Англия ва АҚШ)да судга қадар иш юритув органлари фаолияти устидан контроль ва назоратни амалга ошириш тажрибасини* ўрганишга бағишланган. Муаллиф амалга оширган изланишлар натижасида Англияда

полиция суриштируви умуман жиноий-процессуал фаолият деб ҳисобланмаслиги ва маъмурий тартибда амалга оширилиши намоён бўлган. Полиция фаолияти натижасида олинган маълумотлар «...белгиланган процедура йўли билан олинган далилларни баҳолаш

25

қоидаси»га асосан баҳоланади. Юридик жиҳатдан полиция ишни суд муҳокамасига тайёрлашда иштирок этаётган тараф сифатида фаолият юритади. Давлат хавфсизлиги манфаатларига дахлдор ўта хавфли жиноятлар бўйича тергов ишларини жиноятларни очиш ва айбдорларни фош этиш соҳасида давлатнинг олий лавозимдаги шахси ҳисобланган Бош атторней раҳбарлиги остида Ошкора таъқиб қилиш департаменти директори олиб боради. Унинг кўрсатмалари судга қадар иш юритувни олиб борадиган барча шахслар ва органлар учун мажбурий ҳисобланади.

АҚШда жиноят судлов иш юритувида жиноий таъқиб қилинадиган қилмишларнинг икки тури назарда тутилган: 1) унга асосан хавфли жиноятлар (felony) бўйича айблов ҳужжати тузилиши ёки маълумот тақдим этилиши лозим бўлган ишларни юритиш; 2) кам аҳамиятли бўлган жиноятлар (misdemeanor) бўйича умумий иш юритиш. Полиция офицерлари АҚШдаги жиноят ишларининг аксарияти бўйича судга қадар иш юритувни амалга оширади. Жиноят ишлари бўйича судга қадар иш юритуви полиция органларидан ташқари Федерал тергов бюроси (Federal Bureau of Investigation), Ички хавфсизлик вазирлиги (Department of Homeland Security), Адлия вазирлиги, Божхона ва иммиграция қонунларини ижро қилиш бюроси, Молия вазирлиги (United States Department of the Treasury) таркибига кирувчи Ички даромадлар хизмати (Internal Revenue Service), Почта хизмати (United States Postal Service) ва бошқалар томонидан юритилади.

Юқорида кўрсатилган органлар мансабдор шахс билан биргаликда, судгача бўлган тергов ишларини юритиш махсус тергов комиссиялари (доимий ёки вақтинчалик), ҳукумат органлари ва коронерлар (номусга тегиш ёхуд бевақт ўлим тўғрисидаги ишларни юритувчи терговчилар) томонидан ҳам амалга оширилади. Полиция ёки атторнейнинг тергов қилишдаги ҳолислиги шубҳа уйғотган ҳолларда, дастлабки терговни амалга ошириш учун қасамёд қилганлар судининг катта жюри (ҳайъати) тузилиши мумкин.

Иккинчи параграф *«Роман-герман ҳуқуқ оиласи давлатлари (Франция ва Германия)да судга қадар иш юритув органлари фаолияти устидан контроль ва назоратни амалга ошириш тажрибаси»* деб номланган. Жумладан, Францияда қидирувга асосланган суриштирувдан сўнг тортишувга асосланган дастлабки тергов ўтказилади. Суд терговчиси ишни ўз юритувига қабул қилади ва прокурор томонидан қўзғатилган айблов доирасида томонлар иштирокида тергов ҳаракатларини ўтказди.

Франция романо-герман ҳуқуқ оиласига тааллуқли давлатларга яққол намуна бўлганлиги сабабли ушбу мамлакатда терговни амалга оширишнинг ўзига хос жиҳатлари мавжудлигини кўрсатиш керак. Францияда дастлабки тергов икки босқичли тузилишга эга: 1) тергов судьяси томонидан

ўтказиладиган тергов (1-инстанция). Тергов судьяси ҳар бир инстанция трибунали ҳузурида фаолият юритади; 2) айблов камераси (2-инстанция), юқори суд инстанцияси ҳисобланган апелляция суди ҳузурида фаолият юритади. Тергов тизимининг бундай шаклда

26

ўрнатилганлигининг асосий сабаби сифатида айблов камераси куйи тергов органи бўлган тергов судьясининг ҳаракатлари ва қарорлари устидан контролни амалга оширади, яъни унинг устидан берилган шикоят ва аризаларни кўриб чиқади, ҳамда ишни текшириб судга айбланувчини судга бериш ёки бермаслик масаласини ҳал этиш ваколатига эга (Франция ЖПК).

Германия Федератив Республикасида судга қадар иш юритув полиция суриштируви ва дастлабки тергов шаклларида амалга оширилади. Жиноятлар юзасидан бирламчи текширув ҳаракатлари полиция томонидан амалга оширилади. Германияда полиция органлари тизими Германия Федерал ички ишлар вазирлиги (Bundesministerium des Innern), Федерал полиция (Bundespolizei), Ер полицияси (Landespolizei) ва Федерал криминал полиция маҳкамаси (Bundeskriminalamt)лардан ташкил топган. Германияда кўп йиллик тортишувлардан сўнг судга қадар иш юритувнинг шакли сифатидаги терговчилар томонидан ўтказиладиган дастлабки тергов бекор қилинган. Лекин кидирувга асосланган суриштирувда ҳудудий судья-суриштирувчи иштирок этади ва процессуал мажбурлов чораларини қўллаш, далилларни легаллаштириш юзасидан қарорлар қабул қилади. У ишга томонларнинг илтимосномаси асосида киришади, лекин ишни ўз юритувига қабул қилмайди.

Оммавий айбловни кўзғатиш ваколати фақат прокурорга тегишли бўлиб, у жиноят иши бўйича иш юритувини амалга ошириши мумкин. Германияда прокуратура ташкилий жиҳатдан суд тизимининг бир қисми ҳисобланади ва умумий судловнинг ҳар бир суди ҳузурида прокуратура мавжуд. Шу билан бирга энг куйи судларда, яъни ижтимоий хавфлилик даражаси унча юқори бўлмаган жиноятларни кўрувчи судларда прокуратуралар ташкил этилмайди, уларнинг вазифаларини бажариш ер суди қошидаги прокуратурага юклатилади.

Учинчи параграфда *Осиё давлатлари (Хитой ва Япония)да судга қадар иш юритув органлари фаолияти устидан контроль ва назоратни амалга ошириш тажрибаси ўрганилган*. Хусусан, Хитойда жиноят ишлари бўйича дастлабки терговни олиб бориш, ушлаб туриш, қамоққа олиш, суриштирув ўтказиш учун жамоат хавфсизлиги органлари масъулдир. Давлат хавфсизлиги органлари қонунга асосан, давлат хавфсизлигига қарши жиноят ишлари бўйича юритувни амалга оширади ва жамоат хавфсизлиги органлари каби ваколатларга эга. Шу билан бирга, халқ прокуратураси органлари назоратни амалга ошириш, қамоққа олишга санкция бериш, халқ прокуратурасининг иш юритувига бевосита тааллуқли бўлган ишлар бўйича дастлабки терговни амалга ошириш ва айблов эълон қилиш ваколатларига эгадир.

Япония ЖПКга асосан, жиноят ишлари бўйича судга қадар иш юритувини полиция суриштируви ва дастлабки тергов шаклида полиция ва прокуратура бажаради. Судга қадар иш юритув суриштирув ва дастлабки тергов шаклида суд полициясининг махсус офицерлари ва прокуратура ходимлари (прокурорнинг офицер ёрдамчиси) томонидан амалга

27

оширилади. Полиция жиноят ҳақидаги хабар юзасидан суриштирув ўтказди. Япония ЖПКга мувофиқ, полиция суриштирув босқичида бир қатор кам аҳамиятли қилмишлар тўғрисидаги ишларни тугатиш ваколатига эга. Суд полицияси ва прокуратура фаолияти устидан назорат Япония Миллий жамоат хавфсизлиги комиссияси ва префектура (ҳудудий) жамоат хавфсизлиги комиссиялари томонидан амалга оширилади.

Тўртинчи параграфда *МДХ давлатлари (Россия ва Қозоғистон)да судга қадар иш юритув органлари фаолияти устидан контроль ва назоратни амалга ошириш тажрибаси* илмий тадқиқ этилган. Жумладан, Россия Федерациясида жиноят ишлари бўйича судга қадар иш юритув – суриштирув (РФ ЖПК 223–226-м.) ва дастлабки тергов (РФ ЖПК 150–222-м.) шаклида амалга оширилади. Дастлабки тергов фаолиятини РФ Тергов қўмитаси, ИИБ ҳузуридаги тергов қўмитаси, Федерал хавфсизлик хизмати тергов бошқармаси ва уларнинг ҳудудий органлари бажаради. Прокурор жиноят ишини қўзғатишга рухсат бериш ва айблов ҳулосасини тасдиқлаш ваколатига эга. Дастлабки терговни амалга ошириш жараёнида илгари прокурорга тегишли бўлган барча ваколатлар тергов органи раҳбарига ўтказилган. Тергов органи раҳбари дастлабки терговга нисбатан чексиз ваколатларга эга бўлиб, терговчининг жиноят ишини қўзғатиш, дастлабки терговни тўхтатиш, жиноят ишини тугатиш ва бошқа бир қатор қарорларини бекор қилиш, ўз қўл остидаги терговчидан ҳар қандай жиноят ишини текшириш учун олиш, дастлабки терговни ўтказишни бир терговчидан бошқасига олиб бериш, ўз юрисдикцияси доирасида ҳудудий терговга тегишлиликни белгилаш каби ваколатларга эга.

Қозоғистон Республикасида судга қадар иш юритув суриштирув, дастлабки тергов ва протокол иш юритуви шаклларида амалга оширилади. Дастлабки тергов муддати 2 ой тариқасида белгиланган. Уни ўтказишда терговчининг ҳаракатлари устидан контроль тергов бўлими бошлиғи томонидан амалга оширилади.

Процессуал прокурор жиноят процессининг ҳар қандай босқичида жиноий таъқибни амалга оширишда тезкор-қидирув фаолияти, суриштирув, тергов ва суд қарорларининг қонунийлиги устидан назоратни амалга оширадиган, жиноят ишлари бўйича судда давлат манфаатларини ҳимоя қиладиган ва давлат айбловини қўллаб-қувватлайдиган мансабдор шахсдир. Процессуал прокурор судга қадар терговнинг қонунийлиги устидан назоратни амалга оширишда жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларнинг қабул қилиниши ва рўйхатга олинишида қонунийликка риоя этиш ҳолатини назорат қилади, у ёки бу тергов ҳаракатларини ўтказиш ҳақида кўрсатма беради,

текшириш учун жиноят ишини, материалларни, тезкор-қидирув фаолияти ҳужжатларини олади, терговчи, суриштирувчи ва суриштирув органининг ноқонуний қарорларини, қуйи турувчи суриштирув ва тергов органлари раҳбарларининг қарор ва кўрсатмаларини бекор қилади, жиноят ишини суриштирув ёки тергов ўтказиш учун бир органдан бошқа органга олиб боради, суриштирув ва тергов муддатларини

28

узайтиради, айблов актини, ножўя хатти-ҳаракат тўғрисидаги баённомани тасдиқлайди, ишни судга юборади, судга қадар терговни тугатиш тўғрисидаги қарорни тасдиқлайди ва бошқа бир қатор ваколатларни бажаради.

Тергов судьяси – биринчи инстанция судининг судьяси бўлиб, ЖПКда белгиланган тартибда жиноят судлов иш юритувида шахс ҳуқуқи, эркинлиги ва қонуний манфаатларига риоя этилиши устидан суд контролини амалга оширади.

«Дастлабки тергов идоралари фаолияти устидан контроль ва назоратни такомиллаштириш» деб номланган бешинчи бобнинг биринчи параграфида *дастлабки тергов идоралари фаолияти устидан идоравий-процессуал контролни ривожлантириш* масалалари таҳлил этилган. Дастлабки тергов идоралари фаолияти устидан контроль ва назоратни такомиллаштириш йўналишларини белгилаш муаллифни нафақат дастлабки тергов фаолияти, балки бутун судга қадар иш юритув фаолиятини ислоҳ қилишнинг назарий асослари, ташкилий чоралари ва амалий тадбирлари доирасида фикр юритишга ундаган. Унинг фикрига кўра, жиноят-процессуал ҳуқуқ назариясидан келиб чиқилса, бугунги кунда судга қадар иш юритув органлари фаолиятида айблов функциясини амалга оширувчи органлар аниқ белгиланмаган, уларнинг фаолиятида паралеллизм ва такрорий равишда бир мазмунга эга бўлган ҳаракатларни амалга ошириш каби ҳолатлар мавжуд.

ЖПКнинг 35 ва 344-моддаларига асосан, жиноят иши бўйича дастлабки терговни прокуратура, ички ишлар органлари ва миллий хавфсизлик хизмати терговчилари олиб боради. Илгари таъкидлаганидек, мазмунига кўра ягона бўлган дастлабки тергов фаолиятининг уч давлат органида амалга оширилиши, ўз-ўзидан, ҳатто юзаки назар ташлаганда ҳам, шаклан бир хил, мазмунан бошқа-бошқа тарзда тергов ўтказилишини келтириб чиқаради. Бунда ИИБ, МХХ ва прокуратура терговчиларининг иш фаолиятини бошқариш устидан идоравий контроль ҳам ўзгача тарзда кечади, прокуратура органларида эса прокурор ҳам контролни, ҳам назоратни амалга оширади. Лекин бу уч органга бўлинган терговнинг муаммоларини ҳал этилишига хизмат қилмайди. Бу муаммони бартараф этиш мақсадида ягона тергов органи ташкил этилиши ва у тергов қўмитаси шаклида алоҳида давлат органи сифатида фаолият юритиши тўғрисида мамлакатимиз олимлари ва хориж мутахассислари томонидан йиллар давомида фикрлар билдирилиб, бу масала баҳс-мунозараларга сабаб бўлган. Диссертант ўтказилган тадқиқотлар

ва социологик сўровлар, хориж тажрибаси, олимлар ва амалиётчилар фикрларини ўрганиш натижалари бўйича бир қатор йўналишларни белгилаб олиш мақсадга мувофиқ, дейди.

Юқоридаги ҳолатларнинг ечимини топиш ҳамда жиноят ишлари бўйича судга қадар иш юритувини такомиллаштириш мақсадида, муаллиф қатор институционал ўзгартиш ва чора-тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилиши кераклиги ҳақида фикр юритади.

29

Биринчи босқич – ЖПКнинг 344-моддасида келтирилган барча жиноят ишлари бўйича дастлабки терговнинг мажбурийлиги тўғрисидаги қоидадан воз кечиш, судга қадар иш юритув ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар бўйича суриштирув, оғир ва ўта оғир жиноятлар бўйича дастлабки тергов шаклида олиб борилишини ҳуқуқий тартибга солиш.

Иккинчи босқич – ЖПКнинг 38-моддасида баён қилинган суриштирув органларига ЖКнинг 15-моддаси 2–3-қисмларида ифодаланган ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар бўйича айблов қарорини тузиш билан судга юбориш шаклини жорий этиш (суриштирув муддатини бир ой сифатида белгилаш, кўрсатилган тоифадаги ишлар бўйича шахсни айбланувчи тариқасида ишда иштирок этишга жалб қилиш, тегишли процессуал мажбурлов ва эҳтиёт чораларини қўллаш ёки уларни қўллаш бўйича илтимоснома қўзғатиш ваколатларини, айблов қарори ва унинг тузилишини ЖПКда белгилаш).

Учинчи босқич – Бош прокуратура ва тегишли ҳудудий тизимларда «Давлат тергов хизмати» шаклида тергов органларини бирлаштириш, унинг раиси Бош прокурорнинг биринчи ўринбосари бўлишини белгилаш, тегишлилиги бўйича ҳудудий ва махсус прокуратуралар тизимида ҳам тергов хизматининг бўлинмаларини ташкил этиш, уларнинг раҳбарларини тегишлилигича прокурорларнинг (биринчи) ўринбосари сифатида белгилаш.

Тўртинчи босқич – тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар дастлабки тергов идоралари билан узвий ҳамкорликда фаолият юритишининг ҳуқуқий асосини ҳамда амалда ишлашининг ишчан, самарали механизмини шакллантириш ва мунтазам ривожлантириш.

Бешинчи босқич – Давлат тергов хизматини алоҳида давлат бошқаруви органи сифатида ажратиб чиқариш, фаолиятининг ҳамда фаолияти устидан прокурор назорати, суд контроли, жамаотчилик контролини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш ва механизмини ишга тушириш.

Кўрсатилган институционал ўзгартишларни амалга ошириш натижасида тергов органларининг иш юки анча камайишига ва улар томонидан фақат оғир ва ўта оғир жиноятлар юзасидан дастлабки тергов ўтказилишига, терговнинг сифати оширилишига, ишга жалб қилинган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш даражасини янада оширилишига эришилади.

Бобнинг иккинчи параграфи *дастлабки тергов идоралари фаолияти устидан прокурор назоратини такомиллаштиришга* бағишланган. Муаллифнинг таъкидлашича, ривожланган хорижий давлатларнинг жиноят ишлари бўйича иш юритувини тартибга солувчи қонунлари, инглиз-саксон ҳуқуқ оиласи давлатларида эса, судларнинг прецедент ҳуқуқини тартибга солувчи ҳужжатларида прокурор жиноий таъқибни амалга оширувчи органларнинг энг юқори органи эканлиги тартибга солинган ва норматив-

30

ҳуқуқий актларда «жиноий таъқиб» тушунчаси, уни амалга оширувчи органлар, уларнинг ваколатлари ва хусусиятлари каби ҳолатлар тартибга солинган. Диссертант фикрига кўра, жиноий таъқиб масаласи тадқиқотнинг предметида доир бўлмаганлиги сабабли ушбу масалани муҳокама қилишга чуқурлашмасдан, фақат мамлакатимиз ЖПКда ҳам жиноий таъқиб тушунчаси, унинг субъектлари ва уларнинг ваколатлари тартибга солиниши мақсадга мувофиқ.

Дастлабки тергов идоралари фаолияти устидан назорат прокуратура фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади ва терговни амалга оширишда қонунийликка риоя этилишини таъминлашдан иборат вазифани бажаришга қаратилган. Шунингдек, прокурор – жиноят процесси назариясида белгиланган асосий функциялардан бири бўлган айблов функциясини амалга оширишга масъул, давлатнинг мажбурлов механизмида муҳим ва ўзига хос ўрин эгалловчи мансабдор шахс. Прокурор тергов устидан назоратни амалга ошириш жараёнида терговчининг қарори нотўғри, асоссиз ёки ноқонуний эканлигини аниқласа, ушбу процессуал ҳужжатни бекор қилиш тўғрисида қарор чиқаради ва терговчи қарорини юридик кучга эга эмас деб топади. Таъкидлаш жоизки, прокуратура фаолиятининг асосий функцияси ва тизим фаолиятининг негизини назорат ташкил этади. Лекин юқоридагилардан кўриниб турибдики, прокурор ушбу вазиятларда назорат функциясидан ташқари, контроль функциясини ҳам амалга оширади. Зеро, ЖПКнинг 382- моддаси ва «Прокуратура тўғрисида»ги қонуннинг 28-моддасида тартибга солинган прокурор ваколатлари унинг жиноятчиликка қарши курашни амалга оширувчи органлар фаолияти устидан нафақат назоратни, балки раҳбарликни ҳам амалга оширишини кўрсатади. Умумий раҳбарлик эса, фаолиятнинг контроль қилинишини, нотўғри ҳужжатлар бекор қилинишини, тегишли бошқарув қарорлари қабул қилинишини тақозо этади.

Таклиф этилаётган тизимли ислохотлар натижасида прокурор айбловни амалга оширувчи органлар фаолиятини ўзида мужассамлаштирувчи, судга қадар айбловни шакллантирувчи ва уни судда қувватловчи мансабдор шахс сифатида намоён бўлади. Шундан келиб чиққан ҳолда, судга қадар иш юритув жараёнида қонун бузилишининг олдини олиш, қонун талабларига қатъий риоя этилишини таъминлаш бўйича ваколатлар суриштирув ва дастлабки тергов идоралари раҳбарларига, қонун бузилиши ҳолатларига чек қўйиш ва уларни бартараф этиш ваколатлари эса прокурор томонидан рўёбга чиқарилиши мақсадга

мувофиқ. Айнан кўрсатилган ҳолатлар ЖПКда ва «Прокуратура тўғрисидаги» қонунда ўз аксини топиши керак.

Бобнинг учинчи параграфида *дастлабки тергов идоралари фаолияти устидан суд контролини янада кенгайтириш масалалари* бўйича фикр мулоҳазалар юритилган. Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг муҳим йўналишларидан ҳисобланган давлат органлари фаолияти устидан суд контролини ўрнатиш айнан шундай кафолатлардан

31

бири бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, суд контролини жорий қилиш ва шакллантириш билан боғлиқ бир қатор муаммолар юзага келиб, уларнинг ўз вақтида ва тўғри ҳал этилиши дастлабки терговда шахс ҳуқуқларининг таъминланишига катта таъсир кўрсатади.

Юқоридаги фикрларни рад этмаган ҳолда, суд контролининг янги йўналишлари сифатида қуйидагилар таклиф этилган:

1) суд контролининг предметини процессуал мажбурлов чораларини қўллаш билан бирга, конституциявий ҳуқуқларни чеклайдиган тергов ҳаракатлари (мурдани эксгумация қилиш (ЖПК 148-м.), эксперимент (ЖПК 154-м.), тинтув (ЖПК 161-м.), олиб қўйиш (ЖПК 161-м.), телефон ва бошқа сўзлашув курилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш (ЖПК 169-м.)ни ўтказишга рухсат бериш, дастлабки тергов муддатларини узайтириш ҳисобига кенгайтириш;

2) суд контролининг шакли сифатида судга қадар иш юритув жараёнида суриштирувчи, терговчи, прокурорларнинг ҳаракат ва қарорлари устидан судга шикоят қилиш тартибини киритиш;

3) қамоққа олиш ва уй қамоғи эҳтиёт чорасини, лавозимдан четлаштириш ва тиббий муассасага жойлаштириш процессуал мажбурлов чораларини қўллашга ва қамоқда сақлаш муддатини узайтиришга рухсат (санкция) бериш тартибини ягона процессуал нормалар тизими тариқасида ЖПКда алоҳида 66-боб сифатида тартибга солиш.

Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар нормалари асосида дастлабки тергов ва прокуратура органларининг инсон ва фуқаронинг конституциявий ҳуқуқларини чеклашга қаратилган ҳаракат ва қарорларининг қонунийлиги ҳамда асосланганлигини таъминлашга хизмат қилади.

ХУЛОСА

Дастлабки тергов идоралари фаолияти устидан контроль ва назоратни такомиллаштиришнинг назарий, ташкилий ва процессуал жиҳатларини комплекс равишда ўрганиш ва таҳлил қилишга бағишланган илмий тадқиқот ишининг натижалари бўйича ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларни қуйидагича шакллантириш мақсадга мувофиқ:

1. Жинойт процесси назариясидаги функциялар (одил судлов, айблов, ҳимоя, жинойтларнинг олдини олиш, тергов қилиш, қонунийликни таъминлаш,

хукукни тиклаш) орасида *процессуал контроль функцияси* ажратиб кўрсатилган ва асослантирилган. Жиноят ишини юритишга масъул давлат органлари тизимининг тегишли (худудий ёки соҳавий) йўналишлари субъектлари томонидан жиноят процессининг барча босқичларида ЖПКда белгиланган ваколатлар доирасида идоравий процессуал контроль, прокурор назорати, суд контроли ва жамоатчилик контроли шаклида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан процессуал ҳаракатларни амалга ошириш ва тегишли қарорларни қабул

32

қилиш, суриштирув, дастлабки терговни амалга ошириш, судда кўриб чиқиш ва ҳал этишда жиноят-процессуал қонунчиликда белгиланган тартиб-таомилларга риоя этилишини ташкиллаштириш, кузатиш, текшириш, назорат қилиш, зарур ҳолларда, таъсир ўтказиш, бекор қилиш, чора кўришдан иборат усулларнинг мажмуи жиноят процессида процессуал контроль функциясини ташкил этади.

2. *Процессуал контроль функцияси* жиноят ишлари бўйича терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов, судда ишни кўриб чиқиш ва ҳал этиш, ҳукм, ажрим ва қарорлар қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш жараёнида жиноят-процессуал қонунчиликда белгиланган қоидалар ва қонунийликка риоя этилиши устидан амалга ошириладиган кузатиш, текшириш, назорат қилиш ва тегишли таъсир чораларини кўришдан иборат комплекс тавсифга эга ҳаракат ва қарорлар мажмуидир.

3. *Контроль* бошқарув фаолиятининг доимий амалга оширилувчи, тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланган вазифа, режа ва қарорларнинг контроль остидаги объектлар томонидан ижро этилишини ташкиллаштириш, бошқарув қарорлари ижро этилишининг самарадорлигини кузатиш, натижаларни умумлаштириш ва зарур ҳолларда, тегишли ўзгартишлар киритишдан иборат фаолият усулидир. Контроль давлат ва хўжалик бошқаруви органларини бошқаришнинг вертикал тартиби ҳамда тизими доирасида қўлланилади ва юқори турувчи органлар ўз бўйсунувидаги қуйи органлар фаолиятини кузатади, белгиланган вазифаларнинг бажарилиши ва ҳолатини ўрганади ҳамда баҳо беради, камчиликларини таҳлил қилади, уларнинг бартараф этилиш чораларини кўради.

4. *Назорат* давлат контроль функциясини амалга ошириш механизмининг бир қисми бўлган, махсус давлат органлари томонидан ўз бўйсунувида бўлмаган органлар фаолиятининг соҳаси ёки йўналишида муайян қоидалар ижросини горизонтал миқёсда мунтазам кузатишдан иборат фаолиятдир.

5. *Идоравий-процессуал контроль* тегишли тергов бўлинмалари раҳбарлари томонидан амалга ошириладиган, дастлабки тергов фаолиятини тартибга солувчи қонунлар ва қонуности ҳужжатларга амал қилинишини ташкиллаштириш, кузатиш ва таъминлаш, дастлабки тергов давомида шахс

ҳуқуқ ва эркинликлари поймол қилинмаслиги ҳамда тўла таъминланишига эришиш, жиноят ишларини тергов қилишнинг умумий сифат даражасини кўтариш, ишда камчиликларга йўл қўймаслик, уларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш, илғор тажрибани аниқлаш ва кенг жорий этиш, ходимлар интизоми ва масъулиятини оширишдан иборат фаолият туридир. Идоравий-процессуал контроль асосан учта шаклда: терговчининг фаолиятини бевосита кузатиш ва текшириш; уларнинг ишини кўрсатувчи ахборот ҳужжатларини ўрганиш; терговчининг ҳисоботларини тинглаш орқали амалга оширилади.

33

6. *Дастлабки тергов идоралари томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан прокурор назорати* жиноятчиликка қарши курашни амалга оширувчи органларнинг қонунларни аниқ ва бир хилда бажариши устидан назорат соҳаси бўлиб, прокурорнинг жиноят тўғрисидаги ариза ва хабарларни кўриб чиқиш ва ҳал этишидан то жиноят иши бўйича дастлабки терговни тамомлашга қадар терговчининг қарор ҳамда ҳаракатлари қонунийлигини таъминлашга қаратилган фаолият ҳисобланади.

7. *Суд контроли* судга қадар иш юритиш босқичида гумон қилинувчининг ушлаб турилиши қонунийлигини текшириш, лозим ҳолларда, унинг муддатини узайтириш, ушланган гумон қилинувчи ва айбланувчига нисбатан қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёки уни қўллашни рад этиш, бу эҳтиёт чорасининг муддатини узайтириш, шунингдек айбланувчини лавозимидан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш процессуал мажбурлов чораларини қўллаш ҳамда ушбу масалаларни суд мажлисида кўриб чиқиб ҳал этишда намоён бўладиган ва дастлабки терговда шахс ҳуқуқлари асоссиз ва қонунга хилоф равишда чекланишининг олдини олишга қаратилган фаолият туридир.

8. Дастлабки тергов идорасининг қайси давлат органига бўйсундирилганидан қатъи назар, ваколатлари, вазифалари ва дастлабки терговни амалга ошириш тартиби барча тергов идоралари учун ягона бўлиб, ЖПК билан белгиланади, яъни барча тергов органларида дастлабки тергов ЖПК нормалари доирасида амалга оширилади. Шу билан бирга, прокуратура, МХХ ва ИИВнинг тергов органлари тизими, уларнинг штатлар жадвали, дастлабки терговни ташкил этиш ва контроль қилиш масалалари ҳар бир органнинг ички, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан тартибга солинади. Айнан юқорида келтирилган ҳолатлар дастлабки тергов фаолиятига нисбатан «контроль» эмас, балки «идоравий-процессуал контроль» атамаси қўлланилишига сабаб бўлади.

9. Идоравий-процессуал контроль уч даражада амалга оширилиши керак: а) республика даражасидаги юқори тергов органи раҳбарларининг қуйи тергов идоралари фаолиятини контроль қилиши; б) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар микёсидаги тергов органлари

рахбарларининг қуйи (туман, шаҳар) тергов бўлинмалари фаолиятини контроль қилиши; в) туман, шаҳар миқёсидаги тергов бўлинмалари бошлиқлари томонидан қўл остидаги терговчиларнинг жиноят ишларини тергов қилиш фаолиятини контроль қилиш.

10. Тергов бўлинмалари фаолиятида идоравий-процессуал контролнинг жорий (кундалик); ҳисобот давридаги; узоқ муддатга мўлжалланган; фавқулоддаги ва комплекс контроль турлари қўлланилиши мақсадга мувофиқ.

11. Дастлабки терговни амалга ошириш фаолияти устидан прокурор назорати ташкилий жиҳатдан уч бўғинда: юқори – республика, ўрта – Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва транспорт,

34

ҳарбий, табиатни муҳофаза қилиш (соҳавий) ҳамда қуйи – туман (шаҳар, тармоқ) миқёсида амалга оширилиши керак.

12. Прокурорнинг жиноят ишлари бўйича дастлабки тергов устидан назорати унинг жиноят иши материаллари билан танишиши (уларни ўрганиши); терговчининг жиноят ишлари бўйича ахборотини эшитиши; дастлабки терговни амалга оширишда шахсан иштирок этиши; терговчиларнинг қарор ва ҳаракатлари устидан шикоят ва аризаларни кўриб чиқиши ва ҳал этиши шаклларида амалга оширилиши керак.

13. Дастлабки тергов идоралари фаолияти устидан суд контроли институти суднинг одил судловни амалга ошириш функцияси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, у шахснинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари дастлабки тергов босқичида ноқонуний ва асоссиз равишда чекланмаслигини таъминлашга хизмат қилиши даркор.

14. Дастлабки тергов фаолиятини дифференциациялаштириш, судга қадар иш юритувида параллелизм ва такрорий тарзда бир мазмунга эга ҳаракатларнинг бажарилишига чек қўйиш, жабрланувчиларнинг одил судловга тезроқ эришиш ҳуқуқларини рўёбга чиқариш ҳамда дастлабки тергов идоралари фаолияти устидан контроль ва назоратни такомиллаштириш мақсадида, қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилиши таклиф этилади:

а) барча жиноят ишлари бўйича дастлабки тергов ўтказилиши шартлиги тўғрисидаги қоидадан воз кечиш ва ЖПКнинг 345-моддасига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

